БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 27 (4126)
2 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА МЕҲНАТ ҚИЛАЙЛИК

Вақтдан ўзиб

Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб меҳнат қилаётган «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи куни-кеча январь ойи топшириғини ортиғи билан адо этди. Ой мобайнида республиканинг савдо тармоқларига 3.500 минг сўмликдан ортиқ турли хил мебель буюмлари юборилди. Бу буюмлар орасида кабинет буюмлари набори, ётоқхона набори, хонтахта каби давлат Сифат белгисини олган мебеллар бор.

Корхонада фабрикаларо ташкил этилган социалистик мусобақада 2-фабрика коллективи намуна бўлаяпти. Бу коллектив тўрт йиллик топшириқни муддатидан 35 кун аввал бажарганди. Ҳозир эса 1980 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Бригадалараро социалистик мусобақада эса, бош корхонадаги Ш. Шоёқубов бошлиқ бригада аъзолари пешқадамлик қилишяпти. Бу бригада В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигига қадар беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилиб ишлаб, хонтахта, кабинет буюмлари наборининг аъло сифатда тайёрланишини таъминлаяпти.

Фотима Шафкатуллаева упа-элик фабрикаси оденолон ва духилар кўйиш участкасининг пешқадам ишчиларидан бири. У шахсий беш йиллик топшириқларини уч ярим йилда муваффақиятли адо этди. Илғор ишчи ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига самарали меҳнат қилмоқда.

В. Сиротнин фотоси.

Сайловни муносиб кутиб олайлик

КЕЧА ПОЙТАХТ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА НАВБАТДАГИ «ЛЕНИНЧА ЖУМАЛИК»ЛАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Ҳар ойнинг дастлабки жума куни Тошкентда ўтказилаётган ягона сиёсий кун шаҳар партия ташкилоти ишининг янги муҳим формаси бўлиб қолди. У коммунистларнинг меҳнат коллективлари билан алоқасини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Шу куни тошкентликлар ҳузурида бир вақтнинг ўзида юзлаб партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, барча соҳаларнинг хўжалик раҳбарлари, идеология активистлари, фан, маданият ва санъат арбоблари сўзга чиқмоқдалар. Докладчилар меҳнат коллективлари ишини янада яхшилаш тўғрисида қизғин фикр алмашмоқдалар, шаҳар партия ташкилоти, депутатлар, жамоатчиларнинг партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажариш юзасидан олиб бораётган ишлари, қурилиш, Тошкентни ободонлаштириш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида жонли ҳамда қизиқарли сўзлаб беришяпти, кишиларни тўлқинлантираётган юзлаб саволларга жавоб беришяпти.

Кеча бўлиб ўтган сиёсий кун «Сайловларни муносиб кутиб олайлик» мавзуига бағишланиб, у Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотди, ўзаро фойдали фикрлар алмашинди.

Нотиқлар ўз сўзларида мамлакат, республика, шаҳар халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан совет кишиларининг, шу жумладан тошкентликларнинг турмуш савияси ошиб кетганлиги тўғрисида ёрқин, ишончли мисоллар келтирилди.

Масалан, Тошкент саноати ўтган йилнинг 22 ноябридаёқ маҳсулот реализация қилиш бўйича тўрт йиллик планни бажарди. Шу давр ичида қўшимча 340,7 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бир неча йирик корхоналар, шу жумладан, ғўзапоядан қурилиш материаллари тайёрлайдиган завод, тикувчилик, ошхона мебеллари фабрикалари ва бошқа корхоналар ишга туширилди.

Беш йилликкнинг ўтган йилларида кўпгина ажойиб ташаббуслар пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда 12 мингдан зиёд тошкентлик беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. 125 минг меҳнатчи эса доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигигача ана шу маррага эришиш мажбуриятини олди.

Қурувчилар ҳам яхши ишлашди. Улар беш йиллик бошидан буён 2,3 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағ ўзлаштиришди. 3,2 миллион квадрат метр майдонда турар жойлар социал, маданий-маиший объектлар комплекси билан биргаликда фойдаланишга топширилди. Беш йиллик охирига бориб ҳар бир тошкентлик ўртача 10 квадрат метр турар жойга эга бўлади. 37 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 18 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари ва бошқа бинолар қурилади.

Шаҳар пассажир транспортини ривожлантиришга катта эътибор бериляпти. Беш йиллик бошидан буён ана шу мақсадлар учун салкам 22 миллион сўмлик капитал маблағ сарфланди. Бу эса 78 километр масофадаги янги трамвай-троллейбус линияларини фойдаланишга топшириш, транспортнинг моддий-техника базасини кенгайтириш, 8 та янги трамвай-троллейбус ва 29 та автобус маршрутларини очиш имконини берди. Ўрта ҳисобда бу линияларда ҳар куни 4500 та транспорт воситаси ишлаб турибди. Улар 2 миллионга яқин йўловчини манзилига элтиб қўймоқда.

Шаҳарда халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқариш изчиллик билан кўпайтириб бориляпти, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг тармоғи кенгаймоқда. Салкам 20 минг квадрат метр майдондаги савдо корхоналари фойдаланишга топширилди. Бир йўла 24 минг хўрандага хизмат қиладиган 240 та умумий овқатланиш корхонаси очилди. Беш йиллик бошидан буён маиший хизмат кўрсатишнинг реализация ҳажми 54 процент ошди.

«Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмасининг йиғув цехи ишчилари докладчининг сўзларини катта эътибор билан тинглашди. Унда келтириб ўтилган факт ва рақамлар коллективни ғоятда қизиқтирди. Чунки улар ҳар бир тошкентлик учун тааллуқли эди. Уларда шаҳарликларнинг фаровонлиги ошиб бораётгани, ўнинчи беш йиллиқдаги зарбдор меҳнатлари ёрқин мисолларда келтириб ўтилди.

Цех партия бюроси секретарининг ўринбосари П. Н. Чекунов, цех комитетининг раиси В. И. Хорошков коллективнинг пешқадам ишчилари номларини тилга олиб ўтишди, улар сайловолди вахтасида зарбдор меҳнат қилишяпти. Улар орасида радиомонтажчилар В. М. Сурнин, В. А. Гальтяев, слесарь-йиғувчилар В. Негря, В. А. Николаев, бўёқчи К. А. Алексеева ва бошқа кўплаб меҳнатчилар 1981— 82 йил ҳисобига ишлашяпти.

— Бирлашмамиз коллективи ўтган йили чакки ишлашмади. Асосий технико-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича планлар ошириб бажарилди,— деб ҳикоя қилади «Сигнал» ишлаб чиқариш-техника бирлашмаси партия комитетининг секретари С. В. Милохов, — беш йилликкнинг якунловчи йилида зарбдорчасига, ленинчасига ишлашга қарор қилдик. Планга қўшимча 150 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, топшириқдан ташқари 100 минг сўмлик муҳим ускуналар тайёрлаш, планга қўшимча 15 минг сўмлик фойда олишни мўлжаллаяпмиз.

Суҳбат қатнашчилари ютуқлар билан биргаликда камчиликларни ҳам тилга олиб ўтишди. Уларга барҳам бериш юзасидан кўрилаётган тадбирлар тўғрисида гапириб беришди. Коллектив фикри шундай бўлди: мавжуд резервлардан кенгроқ фойдаланиш, камчиликларга қатъий барҳам бериш зарур, токи сайловни меҳнат муваффақиятлари билан кутиб олайлик, доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини янги ютуқлар билан нишонлайлик, ўнинчи беш йилликни зарбдор якунлайлик!

Бу йил тошкентликлар олдида катта ва мураккаб вазифалар турибди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 9 процент ошириш, салкам 950 минг квадрат метр турар жойни фойдаланишга топириш ва бошқа вазифалар турибди. «Ленинча жумалик» қатнашчилари 153-қурилиш трестида, 2-уйсозлик комбинатида, тепловоз депосида, «Тошкимсельмаш» заводида, упа-элик фабрикасида, шаҳарнинг бошқа корхона ва ташкилотларида ана шу вазифаларни зўр қизиқиш билан муҳокама қилдилар. Сўзга чиққан нотиқлар тошкентликларнинг беш йилликни якунловчи йилида меҳнат ташаббуслари кўрсатишаётгани тўғрисида кўплаб мисоллар келтиришди, буларнинг ҳаммаси план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга қаратилган.

Шу куни шаҳарнинг 400 дан зиёд корхона ва ташкилотларида «Ленинча жумалик»лар бўлиб ўтди.

19 апрель — коммунистик шанбалик куни

Пухта тараддуд

Тошкент булка-кондитер комбинати коллективи москваликларнинг 19 апрелда доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлади. «Қизил шанбалик»ка бағишланган митингга тўпланган корхона ишчилари ва хизматчилари апрель ойининг учинчи шанбасида якдиллик билан меҳнат байрамига чиқишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Комбинат партия ташкилотининг секретари Н. Кружалина митингни очгач, минбарга бирин-кетин ишчилар чиқиб, ана шу куни юксак унум билан ишлажакларини билдиришди.

— Комбинати м и з коллективини,— деди макарон ишлаб чиқариш мастери Н. Малеванная,— 19 апрелда бўладиган коммунистик шанбаликка бир тан, бир жон бўлиб чиқишга чақираман. Шахсан менинг ўзим шу куни кундалик нормани 150 процент қилиб адо этаман...

Комбинатда шанбалик ўтказиш бўйича махсус штаб тузилди. Штаб бошлиғи, корхона директори Р. Аббосованинг айтишига қараганда, коллектив шанбалик куни 130 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Шундан 1500 сўмлик иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади. Меҳнат байрами куни 1100 ишчи ва хизматчи ўз иш жойида меҳнат қилса, 300 дан ортиқ киши корхона территориясини ободонлаштириш билан шуғулланади. Шу куни 1000 туп дарахт, гул кўчатлари, яшил тўсиқ ўтказилади.

М. БОБОЖОНОВ.

Тежалган материаллар ҳисобига

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига қарашли Тошкентдаги тажриба-механика ремонт-экскаватор заводининг кўпгина ишчилари «қизил шанбалик» кунида тежалган материаллар ҳисобига ишлаш мажбуриятини олдилар. Завод меҳнаткашлари москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига бир тан-бир жон бўлиб чиқишга қарор қилдилар. Илғор ишчилардан З. Зарипов, А. Мельников, Ш. Исамуҳамедов, В. Козинлар меҳнат байрамини энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашни мўлжалламоқдалар. Шу куни бир ярим смена нормасини бажаришга аҳд қилинди.

Корхона коллективи 19 апрель куни иккита дизель двигателини, экскаватор чиғирини ремонт қилиш, иккита канал подъемниги тайёрлаш мажбуриятини олди. Чўлқуварлар учун одам турадиган иккита вагонча монтаж қилинади.

Завод ишчилари корхона территориясини ободонлаштиришга, манзарали дарахт кўчатлари ўтказишга, гулзорлар барпо этишга ҳам қарор қилдилар. Шу куни иншоат топилган бутун маблағни беш йиллик фондига ўтказиш мўлжаллаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Тошкент область илғор чорвадорларининг 1 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган қурултойи қатнашчиларининг диққат марказида чорва ва парранда маҳсулдорлигини тезроқ оширишни таъминлаш, чорвачиликда сифат кўрсаткичларини яхшилаш вазифалари турди. Қурултойда область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов доклад қилди.

Қурултойда нутқ сўзлаган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қишлоқ хўжалигини ҳамда унинг чорвачиликдек муҳим тармоғини ривожлантириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Қурултой қатнашчилари фермаларнинг ва чорвачилик комплексларининг барча меҳнаткашларига, хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларига қарата мурожаат қабул қилдилар.

● Республикада сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда.

Ватанпарварлик тарбиясига эътибор

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводининг маданият саройида Куйбишев район ҳарбий комиссариатига кўмаклашиш комитетнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда коллективнинг ҳисобот доклади тингланди.

Истеъфодаги ва запасдаги офицерлардан ташкил топган комитет аъзолари ёшларни армия хизматига тайёрлаш, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказишда катта ишлар қилишяпти. Уларнинг ёрдами билан 400 дан ортиқ Улуғ Ватан уруши инвалидининг яшаш шароити яхшиланди. Қирқ кишига «Запорожец» енгил автомобили олиб берилди. Ўн тўрт киши барча қулайликлар яратилган янги квартирага кўчиб ўтди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг 340 оиласига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Комитет аъзолари ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида 2000 га яқин лекция ва суҳбат ўтказишди. Бу ҳақда комитет раиси, запасдаги полковник С. Мелибоев сўзлаб берди.

Йиғилиш қатнашчилари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва фашистлар Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 35 йиллиги олдидан қатор тадбирлар ўтказишни белгилаб олдилар.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Қизғин тайёргарлик

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар тобора яқинлашиб келмоқда. Пойтахтимизнинг Акмал Икромов районида бу кунга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Районда 40 та сайлов участкаси ташкил қилинган. Шулардан бири — 29-сайлов участкасида район озиқ-овқат савдоси бўлими ва Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйи ходимларидан иборат комиссия аъзолари амалга ошираётган ишлар ибратли бўлмоқда. Абдулла Қаҳҳор номли маданият уйига жойлашган сайлов участкасига В. П. Жеминичкин раислик, агитпунктга эса 54-кечки ўрта мактаб директори А. Тожибоев мудирлик қиляпти. Агитпунктда 54 ва 62-кечки ўрта мактабларидан ўттиз нафар ўқитувчи-агитатор доимий равишда агитация ва пропаганда ишларини олиб бормоқдалар.

Агитпункт учун ажратилган кенг, ёруғ хона керакли анжомлар, телевизор, радио билан жиҳозланган. Газета ва журналларнинг янги сонлари, сайловларга оид брошюралар мавжуд. Булардан ташқари «КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз» ва «В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига» бағишланган стендлар яратилган.

Бу ерда агитаторлар ва уларга биркитилган кўчалар рўйхати, агитаторлар ва сайлов комиссияси аъзоларининг навбатчилик графиги, сайлов участкасининг схематик плани мавжуд. Оммавий-сиёсий ишлар, сайловчилардан тушаётган наказлар алоҳида дафтарларда ҳисобга олиб борилаётир. Сайлов участкасида 2718 киши рўйхатга олинди. Жумладан, 31 ёш йигит-қиз ҳаётида биринчи марта овоз беришади. Улар учун алоҳида тадбирлар тузилган ва амалга оширилмоқда.

О. СОБИРОВ,
ишчи.

ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

Ғарбдан келаётган совуқ ҳаво оқимининг эртага Тошкентдан ўтиши кутилади. Ҳавонинг босими бирмунча кўпаяди. Босим 8—10 миллибар, намлиги 10—15 миллибар бўлади. Қор ёғади. Шамолнинг тезлиги секундига 5—10 метрни ташкил қилади. Кечаси 8—10, кундузи 5—7 даража совуқ бўлади.

* * *

Ҳавонинг бундай кескин ўзгариши қиш фаслига хос хусусият бўлса-да, лекин кўпчилик беморлар ва ҳатто соғлом кишиларни ҳам эҳтиёт бўлишга мажбур қилади. Шу кунларда кўпчилик ёшларимиз бош кийимсиз юришни одат қилганлар. Сочнинг намланиши ва бош миянинг шамоллаши кейинчалик турли касалликларга чалинтириб қўяди. Ота-оналар, мактаб ва ўқув юртларининг мураббийлари ёшларга бу ҳақда тушунтиришлари лозим. Бундай об-ҳавода ёш аёллар ва қизлар ҳам оёқларини иссиқ тутишлари лозим.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

Халқаро мавзуда суҳбат

ЖИНОЙИЙ ТИЛ БИРИКТИРИШ

Тинчлик ва хавфсизлик, халқлар озодлиги ва мустақиллигининг ашаддий душманлари сифатида майдонга чиқаётган икки кучнинг бир-бири билан тобора яқинлашаётганлиги н и кўрсатувчи янги-янги далиллар кун сайин намоён бўлмоқда. Гап Америка империализми билан Хитой гегемонизми тўғрисида бормоқда. Бу кучлардан ҳар бирининг ўз мақсади бор, лекин бу мақсадларнинг моҳияти битта: у ҳам бўлса дастлаб ер юзининг айрим районлари устидан, кейинчалик бутун дунё устидан ҳукмронлик ўрнатишга тинмай интилишдан иборат. Бу кучлар ҳозирги босқичда ягона фронт бўлиб иш кўрмоқдалар. Вашингтон Хитойнинг мадади билан Жануби-Шарқий Осиёда, Ўрта ва Яқин Шарқда ўз таъсирини мустаҳкамламоқчи бўлади. Ўз навбатида Пекин ҳам мумкин бўлган жойда тилёғламалик билан ўзининг империалистик иттифоқчиси пинжига кириб, ўз агрессив ҳарбий машинасини тезроқ кучайтириш учун уларнинг ёрдамидан фойдаланишга умид боғламоқда. Айни вақтда ҳар икки шерик халқаро кескинликни ҳар жиҳатдан кучайтириш ва ашаддий антисоветизмга зўр бериш ишида бир-бирлари билан мустаҳкам ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмоқда.

АҚШ мудофаа министри Г. Брауннинг яқинда Хитойга қилган тўрт кунлик визити Америка билан Хитойнинг бир-бирига яқинлашаётганлигининг энг яққол конкрет кўринишларидан бири бўлди. Пекиндаги музокаралар вақтида иккала мамлакат ўртасида ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик масалалари қараб чиқилди ва ҳал этилди. Бунда «афғон масаласи» деб аталган масалага катта эътибор берилди.

Маълумки, Пекин раҳбарлари аллақачонлардан бери афғон халқининг революцион ғалабаларига қарши қўпорувчилик ҳаракатлари йўлига кирган эдилар. 1978 йилда Афғонистонда апрель революцияси ғалаба қозониши биланоқ маҳаллий реакция билан оғизбурун ўпишган пекинпараст гуруҳларнинг ғиқилинқилобий фаолияти кучайиб кетди. Кейинги вақтларда Пекин ўзининг америкалик иттифоқчилари билан биргаликда мустақил афғон халқига қарши очиқдан-очиқ кураш йўлига кирди, бунинг учун у Покистоннинг Афғонистон билан чегарадош территориясидан кенг фойдаланмоқда. Г. Брауннинг Хитойга қилган визити бунга исбот этмоқда.

Афғонистонга қарши биргалашиб ҳаракат қилиш тўғрисида Америка билан Хитой ўртасида тил бириктириш ХХР ташқи ишлар министри Хуан Хуанинг Покистонга келган вақтида янада кенгроқ тус олди. Елланганлар тайёрланаётган ҳарбий лагерларни қандайдир текшириб чиқиш мақсадида айланиб чиққан Хуан Хуа сурбетлик билан, менинг мамлакатим уларга «сира чекланмаган ҳолда» ёрдам ва мадад беради, деб айтди.

Г. Брауннинг Пекиндаги музокаралари шунингдек АҚШ билан Хитойнинг Социалистик Вьетнам, Кампучия Халқ Республикаси ва Лаос Халқ Демократик Республикасига нисбатан агрессив сиёсатини бир-бири билан янада мувофиқлаштирди. Жумладан, Пекин Таиландда бошпана топган полпотчи тўдаларнинг сарқитларини ҳарбий жиҳатдан тайёрлашни ўз устига олди, Вашингтон эса уларни Кампучияга қарши янги қўпорувчилик ҳаракатлари учун қуроллар ва барча зарур нарсалар билан таъминлаб туради, деб келишиб олинди.

Америка матбуотининг ўзидаги маълумотларга қараганда, Г. Браун иккала мамлакат ўртасида кенг кўламда ҳарбий яқинлик чоралари тўғрисида, шу жумладан Хитойга замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғ етказиб бериш тўғрисида ўзининг Хитойдаги шериклари билан аҳдлашиб олган.

Ҳеч шубҳа йўқки, АҚШнинг ҳукмрон доиралари Пекинни Хитой билан чегарадош мамлакатларга қарши қаратилган агрессив сиёсат доирасига кенг жалб этиш планларини амалга оширишга киришдилар. Пекин раҳбарлари амалда Америка милитаристларининг ўта хушомадгўй ёрдамчиларига айланмоқдалар.

Лекин Америка билан Хитой ўртасидаги тил бириктирув унинг ижодкорларига биронбир ғалаба келтирмайди. Социализм ва тинчлик кучлари кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшаш учун курашаётган барча халқлар билан биргаликда агрессия ва уруш кучларининг жиноий ниятларини барбод этишга қодирдир.

Н. ЧИГИРЬ,
(ТАСС).

Тошкентнинг якшанба куни

Якшанба — дам олиш кунини турли ёшдаги кишилар қўнгилли ҳордиқ чиқариб, мазмунли ўтказишади. Эртанги дам олиш куни ҳам тошкентликларга бир олам қувонч бағишлайди.

Катталарга

КОМЕДИЯ, КОМЕДИЯ...

М. Горький номли Республика рус академик драма театри учун якшанба куни ҳақиқий равишда комедиялар куни бўлади. Эрталаб бу ерда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Майсаранинг иши» спектакли кўйилади. Кечқурун эса томошабинлар чет эллик муаллифларнинг бошқа бир комедияси билан танишишлари мумкин. Драматурглар Мейо ва Эннекен дастлабки қараганда ҳеч қандай зиёнсиз елғон гап ва оддий рашк қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида ҳикоя қилувчи қувноқ пьеса ёзишган.

Спектаклни театрнинг бош режиссёри Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Д. Чернова саҳналаштирган. Бош ролни республикада хизмат кўрсатган артистка Л. Грязнова катта муваффақият билан ижро этмоқда.

«НАЙРАМДАЛ» — ДЎСТЛИК ДЕМАК

«Фестиваль» кинотеатрида биринчи бўлиб қардош Монголияга бағишланган ҳужжатли лента намойиш бошланди. Эртага томошабинлар бу ерда «Найрамдал» фильмини томоша қилишлари мумкин. Бу лента совет ва монгол халкларининг дўстлигига бағишланган бўлиб, сўнгги йилларда монгол диёрида содир бўлган ўзгаришлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади.

АРХИТЕКТОРЛАР УЙИДА КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Архитекторлар уйида ўзига хос мўйқалам соҳиби Анвар Назиров асарларининг виставкаси очилди. Кўргазма рассомнинг 60 йиллигига ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигига бағишланган.

Кўргазмага А. Назиров 120 дан зиёд тасвирий санъат ва графика асарларини тақдим этган. Рассомнинг «Йўлдош Охунбобоев деккончар орасида», «Тамарахоним портрети», «Нодира», «Раққоса», «Кичик Чимёнда кун ботиши», «Ўрик гуллаганда» ва бошқа асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Унинг «Қорақум ГЭСи» туркум авторлитографияси, «Хиромий», «Чор дарвеш» поэмаларига ишлаган безаклари ва бошқа асарлари ҳам диққатга сазовор.

Сиёсий плакатлар А. Назиров ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жанрдаги асарлар ҳам кўргазмадан кенг ўрин олган.

И. ЗАБИРОВ.

СУРАТДА: А. Назировнинг «Ҳамза шеър ёзмоқда» асари.

...ўсмирларга

КИНОТЕАТРЛАР ЧОРЛАЙДИ

Ёш томошабинлар шаҳар кинотеатрларида «Қора жодугарнинг совғаси», «Шум бола», «Ешлик ороли», «Точка, точка, вергул», «Она» ва бошқа фильмларни кўришлари мумкин.

Болалар ва ўсмирлар учун ихтисослаштирилган «Ғунча» ва «Пионер» кинотеатрларидан ташқари болалар учун фильмлар «Чайка», «Москва», «Қозогистон», Комил Ёрматов номли ва бошқа кинотеатрларда ҳам намойиш этилади,—ҳикоя қилади Тошкент шаҳар ижроия комитети кинофикация бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Я. И. Вишневский. — Эртага биз одатдагидан кўпроқ — 3 минтга яқин ёш кичкинтойни қабул қилишни мўлжаллаяпмиз.

ОРКЕСТРНИНГ ЯНГИ ПРОГРАММАСИ

Хизмат кўрсатган Ўзбекистон ССР Давлат симфоник оркестри коллективи ўсмирлар учун махсус янги программани тайёрлади. Шаҳар мактаблари ва билим юртларининг ўқувчилари Россининг «Севилья сартароши» операсига, Вердининг «Сицилия оқшоми» операсига увертюраларни ва бошқа асарларни тинглайдилар.

Лектор —музикашунос Юлиана Муратова эса болаларга ана шу музика асарларининг яратилиш тарихи ҳақида, уларнинг авторлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилади.

...болаларга

ЧАНҒИ, ЧАНА ВА КОНЬКИ

— Буларнинг ҳаммаси яншанба куни М. Горький номли болалар боғига ташриф буюрган кичкинтой тошкентликлар хизматида бўлади. Шуни айтиш керакки парк ходимлари қишга яхши тайёргарлик кўришган. Улар болалар учун спорт жиҳозларини олдиндан ҳозирлаб қўйишган эди. Мана энди ёш тошкентликларни «Боғимизга хуш келибсиз!» деб кутиб олмоқдалар.

• *Муносиб ўринбосарлар тайёрлайлик*

ЁШ БЎЛСА ҲАМ ИШГА БОШ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ип йигирувчиси Шоиста Мавлонова ҳали йигирма ёшга ҳам тўлгани йўқ. Аммо у ишлаб чиқариш илғорларига эмас, ёшларнинг мураббийси бўлиб етишди. У ҳозир 85-ҳунар-техника билим юртида таълим олаётган бўлажак тўқимачилардан бир группасини ўзига шогирд қилиб олди.

...Бу билим юртига бориш йўли Шоистага яхши маълум: у мазкур билим юртида беш йилдан ҳам камроқ вақт ўқиди-ю, катта ҳаётга йўлланма олди. Шундай бўлса ҳам Шоиста таниш остонадан ичкари ўтар экан, бу гал жуда ҳаяжонга тушди: энди у жонажон билим юртига педагог бўлиб келаётган эди.

— Тошкент тўқимачилик комбинати ҳар куни 600 минг метрга яқин газлама ишлаб чиқаришни биласизларми? Шу газламадан 200 минг аёлга кўйлак тикса бўлади. Бу рақам бизнинг касбимиз нақадар муҳимлигини, комбинатда ишлаш фахрли эканини яққол кўрсатиб турибди деб ўйлайман...

Ёш муаллима ўз ҳаётида биринчи бор берган дарсининг «назарий» қисмини мана шундай бошлади. Сўнгра у қизларга ўз касби, яъни ҳозирги ўқувчиларнинг бўлажак касби ҳақида, ҳозир жон-тани билан берилиб кетган ишлари ҳақида гапириб берди.

Шоиста қизларни иккинчи йигирув фабрикасига, ўзининг иш жойига таклиф қилди. Қизалоқлар ўз муаллимасининг эпчил ҳаракатларини зўр мароқ ва ҳавас билан кузатиб турдилар. Шоиста нормадаги учта ўрнига бешта машинани ишлата олярти. Шу туфайли у смена топшириқларини кун сайин бир ярим баравардан ошириб бажармоқда.

Шоиста Мавлонова бош бўлган комсомол-ёшлар бригадасининг кўпчилик аъзолари ҳам мана шу билим юртини битириб чиқишган. Ёш йигирувчи ўз меҳнати учун «10-беш йиллик зарбдори» деган фахрий номга сазовор бўлди. Комбинатдаги меҳнат шуҳрати галереясида унинг портретига ҳам кўзингиз тушади.

Тўқимачилик комбинати учун кадрлар тайёрловчи ҳунартехника билим юртини битириб чиққан донгдор ишчиларни ёшлар тарбиясига жалб этиш яхши анъана бўлиб қолган. Улар ёшларга ўз маҳоратларини ўргатишдан ташқари ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ёрдам ҳам бермоқдалар — бригаликда кечалар, маданий юришлар уюштирмоқдалар.

Ҳозир Дилбар Қулматова, Любовь Хегай, Олгъа Лобанова, Каромат Ерубоева ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ана шу билим юртининг мураббийлари қаторидан жой олганлар. Улар ёшларни тарбиялашни ўзларининг иккинчи касблари деб биладилар. Улар ишчиларнинг муносиб ўринбосарларини тайёрлашда ўқитувчиларга муносиб ёрдам бермоқдалар.

С. ЗЕФИРОВА,

(ЎзТАГ).

БАСОВ МЕТОДИГА — КЕНГ ИЎЛ!

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ЭЪТИБОР

«Главташкентстрой»нинг қурилишлари ва бинокорлик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳоллари йил сайин камаймоқда. Бош бошқарма коллективи меҳнат муҳофазаси бўйича республика ва Бутунитти фоқ кўрик ҳамда конкурсларида фаол иштирок этмоқда. Бу борада эришган ютуқлари учун Бош бошқармага ВЦСПСнинг дипломлари ва пул мукофотлари топшириларди. Айниқса «Главташкентстрой»нинг «Таштрансспецстрой» трестида бинокорларнинг меҳнатини муҳофаза этишга жиддий эътибор берилаётир. Трестда иш вақтида шикастланишга барҳам берилган.

«Таштрансспецстрой»да ҳам «Главташкентстрой»нинг бошқа бўлинмаларидаги каби меҳнат шароитларини яхшилаш имконини берувчи беш йилликка мўлжалланган комплекс планлар ишлаб чиқилган. Бу планнинг диққатга сазовор томони шундаки, у коллективларни социал тараққий эттириш тадбирлари билан узвий боғлангандир. Комплекс планларда жуда кўп тадбирлар ўз ифодасини топгандир.

1977 йилдан бошлаб Қурилиш механизацияси ва «Оргтехстрой» трестларининг саноат базаларида меҳнат шароитларини муҳофаза этиш имконини берувчи технологик тагликлар ва ҳимоя қурилмалари марказлашган ҳолда тайёрланмоқда. Ўтган йили қариб 9 мингта ана шундай комплект ишлаб чиқарилди. Бу 1978 йилдагига нисбатан икки марта кўпдир. Жиҳозлар умумий қурилиш, монтаж ва ихтисослашган бригадаларнинг аъзоларига тарқатилди. Ишлаб чиқаришда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу соҳадаги тадбирларни ишлаб чиқишдан олдин бош бошқарма корхоналарининг санитария аҳволи, шовқинларнинг даражаси ўлчаб чиқилди. Корхоналар ва ташкилотларда ўзаро текширишлар олиб борилаётганлиги ҳам меҳнат муҳофазасида муҳим роль ўйнамоқда.

Кейинги йилларда бу борада пропаганда ва тушунтириш ишлари олиб бориш соҳасида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Қурилишга ишга қабул қилинаётган ҳар бир киши билан техника хавфсизлиги бўйича инструктаж олиб борилади. Бунда қурувчи меҳнат қилиши лозим бўлган иш жойида нималарга эътибор бериши керaклиги тушунтирилади. Инженер-техник ходимларни техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириб боришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Эндиликда техника хавфсизлиги хизмати ходимларининг роли ва масъулияти жуда ўсди. Уларга нисбатан талабчанлик ҳам кучайди. Улар техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича ибратли ишлари амалга оширишмоқда. Аниқланган барча камчиликларга тезда барҳам бериляпти. Агар техника хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзлари олиб бораётган ишларга ишчиларни, касаба союз активларини, кенг жамоатчиликни ҳам жалб этганларида янада қувончли кўрсаткичлар қўлга киритилар эди.

«Юксак унумли, шикастсиз ва авариясиз ишлаймиз!» Мана бир неча йилдирки, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони «Главмосстрой»нинг бригада бошлиғи Алексей Дмитриевич Басов ана шу ташаббус бўйича меҳнат қилмоқда. Маълумки, унинг бу ватанпарварлик ташаббусини мамлакатимиз бинокорлари кенг қўллаб-қувватлашди. Ҳозирги пайтда 10 мингдан бригадалар бу машҳур қурувчи бошлаб берган усулда меҳнат қилишяпти. «Главташкентстрой» коллективлари ичида ҳам бу метод бўйича ишлаётган бригадалар кўпдан топилади. 24 минг кишини ўзига бирлаштирган 1260 бригада басовчасига ишламоқда. 1223 нафар қурувчи бир неча йиллардан буён бу борада қабул қилган социалистик мажбуриятини шараф билан бажариб, шикастсиз ва авариясиз меҳнат қилишга муваффақ бўлмоқда.

«Главташкентстрой»да республика қурилиш ташкилотлари ичида биринчи бўлиб шикастланишнинг олдини олиш, уни ҳисоблаш, анализ қилиш имконини берадиган автоматлаштирилган бошқарув системаси яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди. Эндиликда ЭҲМлар ёрдамида шикастланиш содир бўлиши мумкин бўлган шароитлар ҳисобга олиниб, бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинаяпти. Шунингдек, электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида Бош бошқарма ва унинг трестлари ҳамда корхоналарида профилактика тадбирларининг қай даражада олиб борилаётганлиги назорат этилмоқда.

И. АҲМЕТОВ.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Ушбу фотолавҳада сиз бирлашманинг тўқув цехи илғорлари, коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари (чапдан ўнгга) З. Голошчапова, Т. Кардаш ва Р. Мирзаевларни кўриб турибсиз. Улар мунтазам равишда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга ойлик план-топшириқларини ҳам ортиги билан адо этиб келишмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

• В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига

МУНОСИБ СОВҒА

«Узавторемонт» бирлашмасига қарашли 1-авторемонти заводи коллективи ўртасида доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан социалистик мусобақа кенг қулоч ёйиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисидаги қарори ишчиларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб юборди. Ана шу қарорга жавобан улар зиммаларига оширилган мажбуриятлар олишиб, иш сифати ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Шу кунларда корхонанинг барча цех ва участкаларида шонли сана шарафига меҳнат беллашуви авж олдириб юборилган. Унда Х. Циров бош бўлган участка коллективи пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Ушбу участканинг меҳнатсевар коллективи ўтган йилги социалистик мусобақада ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритган эди. Коллектив аъзолари меҳнат беллашувида саккиз марта ғолиблик қилишган эди. Уларнинг 1980 йилдаги меҳнатлари ҳам жуда самарали бўлмоқда.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Бирлашмамиз коллективи шаҳримиздаги илғор меҳнат коллективларининг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини юксак меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ташаббусини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Улар шу кунларда бу ташаббускор корхона коллективларининг даъватини қизғин маъқуллаган Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети қарорини чуқур ўрганмоқдалар. Бундан руҳланган кўплаб цехлар, бригадалар, ишчилар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар.

Жумладан, учта цех, 21 та бригада бу ташаббусга қўшилди. Улар шу йилнинг тўрт ойлик планини доҳий В. И. Ленининг 110 йиллигига кунига қадар бажаришга азму-қарор қилдилар. 300 нафар илғор ишчи бу шонли санани ўзларининг йиллик социалистик мажбуриятларини бажарган ҳолда, 1000 дан ортиқ киши эса тўрт ойлик планни адо этган ҳолда кутиб олдилар.

Бизнинг бригадамиз ҳам бу ташаббусга якдиллик билан қўшилди. Печатникларимиз ҳозирги кунда 1982 йилнинг февраль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришаяпти. Бригадамиз йиғилишида ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, доҳий юбилейини 1982 йилнинг учинчи квартал планини адо этиш билан кутиб олишга ва 22 апрелга қадар планга қўшимча 6 миллион 100 минг сўмлик лист (оттиск) печать қилиб беришга аҳд қилдик. Бунга фақат меҳнат унумдорлигини ўстириш эвазига эришилади. Шунинг учун ҳам бригадамизнинг ҳар бир аъзоси, жумладан Н. Вахурушева, Ҳ. Тожиметовалар юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар.

З. САЙФУЛЛИН,

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг печать цехи печатниклар бригадаси бошлиғи, цех касаба союз ташкилоти аъзоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

ГДР саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик кооперативлари, илмий-текшириш муассасаларининг коммунистлари 1980 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантириш планини ҳаракат программаси, деб атамоқдалар. Мамлакатнинг барча бошланғич партия ташкилотларида шу кунларда коммунистлар партия илгари қўйган мақсадларга эришиш воситаларини, оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш конкрет планларини муҳокама қилмоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини тежаб қолинган маблағлар ва материаллар ҳисобидан ошириб бажариш —меҳнат коллективларининг сонсаноқсиз ташаббусларидан бири бўлиб қолди.

Трептовдаги электр аппаратлар комбинати партия ташкилоти бу йил меҳнат унумдорлигини 9 процент оширишни ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни 7,9 процент кўпайтиришни планлаштирмоқда.

Коммунистлар саноат корхоналарининг меҳнат коллективларида партия группалари жанговарлигини, ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши учун ҳар бир партия аъзосининг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

ТУРИЗМНИНГ ЯНГИ ЗОНАСИ

СОФИЯ. Мамлакатнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Пирин ўлкаси 1985 йилга бориб туризм зонасига айланади. Табиат бу ўлкадан ўз саҳийликларини аяган. Ғўзал тоғ манзаралари, игна баргли дарахт билан қопланган ўрмонлар, ҳар қадамда учрайдиган мовий кўллар, сонсаноқсиз шифобахш минерал сув булоқлари — шуларнинг ҳаммаси яхши ва фойдали дам олиш учун хизмат қилади.

Давлат туризм комитети ишлаб чиққан программа кенг ривожланган туристик базалар вужудга келтиришни, меҳмонхоналар, кэмпинглар, спорт майдончалари, коммунал муассасаларни қуришни назарда тутади. Миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда зоналарнинг архитектурасига катта эътибор берилади.

УЙ-ЖОЙ БИНОЛАРИ

БУДАПЕШТ. Кейинги йилларда Венгрия шаҳарлари ривожланиб уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда. Планга мувофиқ шу беш йилликда мамлакатда уй-жой фонди 430— 440 минг квартира кўпаяди. Ҳозирги вақтда Венгрия бинокорлари ВСПП XII съездини ва мамлакат фашизмдан озод этилганлигининг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага актив қўшилдилар. 1990 йилгача ВХРда 1,2 миллион квартира қуриш мўлжалланади. Меҳнат унумдорлигининг тиммай ошаётганлиги, қурилиш ишларининг илғор усулларидан фойдаланиш кучайтирилиши ва саноатлаштирилиши ишларнинг сифатини ошириш ва ишчиларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бериши керaклиги тушунтирилади. Инженер-техник ходимларни техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириб боришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Эндиликда техника хавфсизлиги хизмати ходимларининг роли ва масъулияти жуда ўсди. Уларга нисбатан талабчанлик ҳам кучайди. Улар техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси бўйича ибратли ишлари амалга оширишмоқда. Аниқланган барча камчиликларга тезда барҳам бериляпти. Агар техника хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзлари олиб бораётган ишларга ишчиларни, касаба союз активларини, кенг жамоатчиликни ҳам жалб этганларида янада қувончли кўрсаткичлар қўлга киритилар эди.

И. АҲМЕТОВ.

ГЕОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

ВЬЕНТЬЯН. Лаос Халқ Демократик Республикаси бинокорлик материаллари саноати учун қисқа муддатлар ичида хом ашё базасини яратишдек муҳим вазифани бажаришга киришди. Вьентьян вилоятида кенг кўламда қидириш— разведка ишларини олиб бораётган совет геологлари уларга ёрдам бермоқдалар. Жисмларни лабораторияларда комплекс синаб кўриш мақсадида юксак сифатли тупроқнинг саноат запаслари бўлган иккита участка танлаб олинди. Яқин орада бу ерда ғишт заводлари қурилади.

Вилоятнинг шимолида иккита оҳак конини текшириб чиқиш ишлари тугалланди. Бу конлар Лаос экономикасининг янги тармоғи— цемент ишлаб чиқариш учун карбонат етказиб беради. Мамлакат шу вақтгача чет эллан цемент сотиб олиш учун анчагина маблағ сарфлар эди. Республиканинг энг асосий ер ости бойликларидан бири қалайи запасларини белгилаш соҳасида ҳам икки мамлакат геологларининг ҳамкорлиги давом этмоқда.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТДОРЛИК

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон савдо ва саноат палаталари федерациясининг секретари Р. Г. Агарвал ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: Ҳиндистон— Совет ҳамкорлиги сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди. Узоқ муддатлилик ва кенг миқёслилик бу ҳамкорлик учун характерлидир. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик бундан йигирма беш йил муқаддам бошланди: СССРнинг иқтисодий ва техникавий ҳамкорлигида Ҳиндистоннинг Бхилаи шаҳрида металлургия комбинатини қуриш тўғрисида 1955 йил 2 февралда биринчи ҳукуматлараро битим имзоланди. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон диёрида саноат, қишлоқ хўжалиги, маориф системасининг турли соҳаларида Совет Иттифоқининг кўмаги билан барпо этилган ва қурилаётган етмишдан кўпроқ объект бор.

Ҳар икки мамлакат ўртасида товар оборотининг ҳажми тиммай ўсиб бормоқда. Ҳиндистон — ривожланаётган мамлакатлар ўртасида Совет Иттифоқининг энг йирик савдо шеригидир. Шуниси характерлики, Ҳиндистоннинг СССРга экспорт қилаётган моллари орасида анъанавий молларгина бўлмай, шу билан бирга саноат буюмларининг кўпгина турлари ҳам бор.

Бултур Деҳлида СССР билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорлик юзасидан 10 —15 йилга мўлжалланган узоқ муддатли программа имзоланган эди. Бу программада икки томонлама мусобақатларни анча кенгайтириш ва чуқурлаштириш кўзда тутилади.

Ҳиндистон — Совет ҳамкорлиги муваффақиятининг асосий сабаби шуки, бу ҳамкорлик тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда, деб таъкидлади Р. Г. Агарвал.

С. СПИЦИН.

ҚИММАТЧИЛИК АВЖИГА ЧИҚДИ

ЛОНДОН. Ҳозирги вақтда Лондон дунёда қимматчилик энг авжига чиққан пойтахтга айланди. «Обсервер» газетасининг таъкидлаб ёзишича, кейинги тўрт йил мобайнида Британия ороллaридаги энг катта шаҳарда тирикчилик қиммати ҳалдан ташқари юқорилаб кетди. Лондонда яшаш учун ҳар куни овқатланиш, меҳмонхона ҳақи ва бошқа чиқимлар ҳозир Париждагидан 4 процент, Брюсселлагидан 10 процент, Римдагидан 50 процент қимматга тушмоқда, деб таъкидлайди газета.

24 февраль — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Тошкент алоқа электротехника институти қошидаги 39-сайлов участкаси сайловчилар клуби ҳамиша одамлар билан гавжум. Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий ва маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилаяпти. Институт ўқитувчилари ва студентлар коллективидан ташкил топган агитаторлар қатъий план асосида сайловчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришяпти.

Агитпункт қошида махсус юридик савол-жавоблар столи ташкил қилинган бўлиб бу ерда қизиққан барча саволларга тўла жавоб олиш мумкин.

Шу кунгача агитпунктда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Совет Социалистик Демократияси деган темада суҳбат ўтказилди. Ўзбекистон ССР Олий ва маҳаллий Советларига биринчи марта овоз бераётган ёш сайловчилар билан кекса сайловчиларнинг учрашуви ўтказилди.

Институт бадиий ҳаваскорлар коллективи томонидан эса сайловчилар учун кенг программада концерт тайёрланмоқда.

Умумий овқатланиш: якун ва вазифалар

ШАҲАР УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДАН

Шаҳримизда ошхоналар ва кафеларнинг кенг тармоқлари ишлаб турибди. Бизнинг иш унумдорлигимиз, кайфиятимиз кўп жиҳатдан умумий овқатланиш муассасаларида қандай хизмат кўрсатилаётганлигига ҳам боғлиқ. Худди шунинг учун ҳам шаҳар хўжалигининг бу тармоғига доимо катта талаблар қўйилади. Бундай талаблар Тошкентдаги умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг партия-хўжалик активи йиғилишида ҳам айтиб ўтилди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғи К. В. Концеваянинг докладида ўтган йилги иш натижаларига якун ясалиб, мавжуд нуқсонлар очиб ташланди, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили учун вазифалар белгиланди. Умумий овқатланиш корхоналари коллективлари катта ютуқларни қўлга киритиб, 1979 йил планини 25 декабрда бажардилар ва пландан ташқари беш миллион сўмлик маҳсулот тайёрладилар, шу жумладан бу корхоналарнинг ўзларида планга қўшимча тайёрланган маҳсулотлар ҳажми 3,8 миллион сўмни ташкил этди. 1978 йилга таққослаганда умумий овқатланиш товар обороти 5,4 процентга ўсди. Собир Раҳимов, Чилонзор ва Киров районларининг ошхоналар трестлари энг юксак иш суръатларига эришдилар.

Иш усулларини мунтазам такомиллаштириб бориш, хизмат кўрсатишнинг янги методларини жорий этиш туфайли ана шундай ютуқларни қўлга киритиш мумкин бўлди. Бунда ишлаб чиқариш илғорларининг намуна кўртиб ишлаётгани ҳам диққатга сазовордир. Улардан бири ёшлар мураббийси Александра Григорьевна Анановадир. У йигирма йилдан ортиқ вақтдан буён Акмал Икромов районидаги мактаблар ошхонасида ишлаётган ишлаб келмоқда. Хизмат кўрсатган савдо ходими, Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденларининг кавалери, уста ошпаз Ориф Турсунов ўз касбини моҳирлик билан бажариш туфайли обрў-эътибор топган. Ҳозир у «Тошкент» ресторанининг ишлаб чиқариш бўйича мудири бўлиб ишламоқда. Унинг коллективи тайёрланаётган таомларнинг сифатини яхшилаш, хизмат маданиятини ошириш борасида яхши кўрсаткичларга эришмоқда, план-топшириклар мунтазам ошириб адо этиляпти. Кино-концерт залининг бунёдкорлари Октябрь район ошхоналар трестининг 3-ошхонаси ошпаз бригадири Мария Яковлевна Матвеева тўғрисида яхши фикрлар билдиришади. Чунки у хизмат қилаётган ошхона қурувчиларига намунали хизмат кўрсатмоқда.

К. В. Концеваянинг докладида кейинги пайтда кулинария магазинлари реконструкция қилинаётганлиги ҳам айтиб ўтилди. Доимо балиқ, сабзавот ва гўштдан иборат ярим фабрикат маҳсулотлари муҳайё бўладиган, шаҳримиздаги энг яхши полуфабрикат магазинлари ташкил этилган Фрунзе район ошхоналар трестининг ташаббуси мақтовга сазовор. Куйбишев районида ҳам 16 та ана шундай муассаса мавжуд. Улардан учтаси ўз-ўзига хизмат кўрсатишга ўтказилган. Яна учтасида эса реконструкциялаш ишлари олиб борилмоқда.

Аммо ҳали Тошкентда кулинария магазинлари сони етарли эмас. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарида, турар жой массивларида, муассасалар ва ўқув юртларида бундай магазинларни ташкил этиш зарурати туғилмоқда. Бундай магазинлар ҳамшаҳарларимизнинг таом тайёрлаш учун кеталиган вақтларини тежаш, маданий дам олишга кўпроқ аҳамият беришга имкон беради.

Заводлар, бирлашмалар ва ўқув юртларидаги ошхоналар ишини такомиллаштиришга ҳам доимо эътибор бериб келиняпти. Ҳозир ишчи ошхоналарининг 82 процентида, студентлар ва мактаблар ошхоналарининг 95 процентида комплекс тушликлар тайёрланяпти. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, электрон техника, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводларида, 2-пойафзал фабрикасида умумий овқатланиш намунали ташкил этилган. Бу жойлардаги овқатланиш цехлари аниқ ишлаб турганлиги сабабли ишчиларнинг овқатланиши тез ва узлуксиз ташкил этилмоқда.

Аммо эришилган бу ютуқлар билан чегараланиб бўлмайди, албатта. Корхоналарни ихтисослаштириш, янги иш усулларини жорий этиш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш борасида ҳали кўп иш қилиниши керак. Бунга эришилгандагина тошкентликларга аъло даражада хизмат кўрсатишдек бош вазифани уддалаш мумкин.

Музокараларда Ленин район ошхоналар трестининг партия бюроси секретари Е. Н. Першина, Собир Раҳимов район ошхоналар трести директори Т. М. Ражабов, Киров район партия комитетининг иккинчи секретари Г. Л. Зарубин, Акмал Икромов район ошхоналар трестига қарашли 3-ошхона ошпаз бригадири Н. К. Арслонова, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилар овқатланиш бўлимининг бошлиғи В. И. Сердюков, Фрунзе район ошхоналар трести директори М. И. Қўшоқов, Сергели район ижроия комитети раисининг ўринбосари Е. Я. Михайленко, кино-концерт зали қурилиш объекти касаба союз комитети раиси С. А. Абдураззоқов, давлат савдоси ва матлубот кооперациялари ходимлари касаба союз область комитетининг раиси А. А. Раҳимов, Ўзбекистон ССР савдо министри ўринбосари К. Н. Комиловалар сўзга чиқишди.

Улар ўз сўзларида ишлаб чиқаришнинг кўпгина резервларини айтиб ўтдилар, қимматли фикрлар билдириб, мавжуд нуқсонларни кўрсатдилар ва уларни бартараф этиш йўлларини таклиф этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари 1980 йил учун умумий овқатланиш корхоналари ходимларининг социалистик мажбуриятини қабул қилди.

Актив йиғилишида шаҳар партия комитетининг секретари Б. Г. Ҳалилов сўзга чиқди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

А. ҲАТАМОВ.

МАЖБУРИЯТГА ЯРАША

«Ташсельмаш» заводи коллективи ўтган йилни муваффақиятли якунлаган эди. Корхона ишчилари янги йилда ҳам янги зафарларни қўлга киритиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бунинг учун ҳар бир ишчи ўз зиммасига конкрет мажбурият олиб ишламоқда.

Коллектив бу йил планга қўшимча 100 та пахта териш машинаси тайёрлашга аҳд қилган. Пландан ташқари 150 минг сўм фойда олинади. Йил охиригача планга қўшимча 1 миллион сўмлик запас қисмлар ишлаб чиқарилади.

Завод меҳнат аҳлининг шу кунлардаги ғайрат ва шижоати зиммага олинган юксак мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишидан далолат бериб турибди.

«Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиси, коммунист Наталья Павлова кўп йиллардан буён ёшларга меҳр билан тўқувчилик касбини ўргатиб келаётган мураббий ишчилардан бири. Ҳозирги пайтда 1982 йилнинг биринчи квартали ҳисобига меҳнат қилаётган бу ишлаб чиқариш новатори В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вақтасида туриб ишламоқда.

СУРАТДА: Наталья Павлова ўз шогирди, ўрта мактабни тугатиб корхонага ишга келган Ойдин Ҳамраевага касб сирларини ўргатмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Ҳикмат бўйдоналаридан

Оталар сўзи

Яқинда Озарбайжон ССР Фанлар академияси Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари институти Абдулла Маҳаммадий тайёрлаган «Арабча-озарбайжонча оталар сўзи ва зарбулмасаллар»ни филология фанлари кандидати Г. Маҳаммадҳасан таҳрири остида босмадан чиқарди. «Оталар сўзи» — 11x14 сантиметр ҳажмга эга бўлган мўъжаз китобча бўлиб, чўнтакка бемалол сиғади. Ёқимли безалган мулойим муқова ва тоза қоғозга босилган матндаги равшан сатрлар китобхонни хушнуд қилади.

262 саҳифадан иборат бу китобча ўз ичига 1750 та оталар сўзи ва зарбулмасалларни олган. Уларнинг мазмунига тўғри тушунилса, улар ўқувчининг ким, қандай касбга ва илмга эга бўлишидан қатъий назар, ўзининг ижобий таъсирларини кўрсатади. Қуйида, азиз оқшомхон, «Оталар сўзи» китобидан намуналар ўқийсиз.

● Ҳар ким ўғлини ёшлигидан тарбияласа, катта бўлгач, ўз кўзларини қувонтиради.

● Илмнинг балоси ёддан чиқариш, дўстликнинг балоси ғийбатдир.

● Ҳаё бўлмаса на дунёнинг фойдаси бор, ва на яшашни.

● Жамиятдан ўрган, жамият мендан ибрат олсин дема.

● Одоб одамда бор бўлган давлатдир, уни ишлатганинг сари ортаверади.

● Зиён қиладиган овқатни оз ейиш, фойдали овқатни кўп ейишдан яхшидир.

● Қийинчилик, ҳамиша хайрли келажакдан хабар беради.

● Мен илоннинг чақишидан қўрқиб, чиённинг устида ётадиганлардан эмасман.

● Сен сени йиғлатадиганларнинг сўзини эшит, сен сени кулдирадиганларнинг сўзига учма.

● Душманига ишонган—қўлини илоннинг оғзига тиққанга ўхшайди.

● Душман заиф бўлса ҳам, ундан хотиржам бўлма.

● Хотин кишига омонатга атир топширма.

● Сенинг фойдангга ёлғон гапирган, сенинг зарарингга ҳам ёлғон гапира олади.

● Айбларнинг асоси дангасаликдир.

● Ҳар бир киши ўзининг чегарасини билади, арақ ичган киши учун чегара йўқдир.

● Инсон яхшиликнинг қулидир.

● Нодонликдан буюк мусибат йўқдир.

● Юмушларинг кўпаймасдан илгари, болаларнинг таълим-тарбиясига кириш.

● Табассум — тинчликнинг калити, яхшиликнинг чироғидир.

● Ўзинг-ўзингга хушхабар берки, сабрнинг сўнгги ғалаба.

● Ҳар ким ўз айбини кўрса, ўзгаларнинг айбидан воз кечади.

● Баъзан ёт одам қариндошдан фойдалироқ бўлади.

● Инсон тўғрилик билан улуғлик мақомига эришади.

● Деҳқон қўлидан олинган тухум мазали бўлади.

● Яқин дўстни минг баробар баҳога ҳам сотмайдилар.

● Гуноҳидан кечирим сўраган киши, айби йўқ одам кабидир.

● Савдогарнинг шуҳрати чўнтагида, олимнинг шуҳрати китобида бўлади.

● Баҳилликни йўқотиш — баданни сақлашдир.

● Жоҳилга жавоб бермаслик жавобдир.

● Ҳар ким ўзини билгани ҳисобласа, халқ уни нодон санайди.

● Инсоннинг ақли камолатга етганда оз гапиради.

● Тулкининг омади келса, бахти кетган арслоннинг устидан ғалаба қозонади.

● Уч нарса одамнинг кўзини ўйнатади: яхши хотин, ақлли ўғил, меҳрибон биродар.

● Уч нарса ақлга хилофдир: жавоб қилишда шошиш, чексиз орзу, кўп кулиш.

● Уч нарса жоҳилларга хосдир: ўринсиз ғазабланиш, ўринсиз садақа, дўст билан душманни таниманслик.

● Уч нарса билан уч нарса бўлмайди: сочга хина қўйиш билан ёшариш, алдамчилик билан мол-дунё орттириш ва ёт билан биродар бўлиш.

● Илмнинг самараси роҳатдир, мол-дунё самараси азобдир.

● Юрак яхшилик қилган одамни севади.

● Дўстнинг уриб қилган яралари, душманнинг ўпишларидан яхшидир.

● Уч нарсадан қутилиш учун уч нарсага яқинлашма: баҳил бўлма, азобланасан; ҳасис одам билан ўтириб-турма, маломатга қоласан; мол-дунёга кўп ҳирсингни қўйма, халқни ўзингга душман қиласан.

Ҳ. ҲИКМАТУЛЛАЕВ тайёрлаган.

● *Бош пландан бир лавҳа*

Студентлар учун ётоқхона

Пойтахтимизнинг Хуршид проспекти йил сайин кенгайиб, ободонлашиб бормоқда. Проспектнинг Тимирязев кўчаси билан туташган жойида бир қанча замонавий турар жой биноларн, савдо корхоналари қад кўтарди. Бу ерда барпо этиладиган яна қатор турар жойларнинг лойиҳалари яратилмоқда.

«Ташгипрогор» институти 5-устахонасининг мутахассислари бош архитектор Р. Искандаров ва бош инженер Ф. Канеева раҳбарлигида шу ерда қад кўтарадиган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг 442 талабасига мўлжалланган 9 қаватли ётоқхоналарнинг техник лойиҳаларини яратишди.

Лойиҳанинг бош планида Тимирязев кўчаси ва Хуршид проспектида яқин келажакда барпо этиладиган биноларнинг ҳисобига олинган.

Бу ерда иккита кўп қаватли ётоқхона бинои қурилиб улар ягона архитектура ансамблини ташкил этади. Бино оригинал офтобдан ҳимоя элементлари билан безатилади. Ётоқхоналарни пардозлашда қимматли бинокорлик материаллари, жумладан рангли керамик плиталардан кенг фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Янги биноларда студентларнинг дам олишлари ва илм-фан билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар бўлади. Биноларнинг остки қаватларида буфет ва ошхоналар, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш хоналари жойлашади.

Ётоқхоналар атрофидаги территориялар ободонлаштирилади ва кўкаламзорлаштирилади.

СУРАТДА: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти студентларига аталган ётоқхона эскизи.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Шаҳба оқшоми

● ҲИКМАТ — БИР ҲОВУЧ ОЛТИН ● МЕЪМОРЛАР УСТАХОНАСИДА ● ТОШҚОТГАН «ИНШООТЛАР» ● ҲАР ТЎҒРИДА.

В. И. Ленин номли Ленинград оптика-механика бирлашмасининг маҳсулотлари — спектрал ва оптик ўлчов приборлари, микроскоплар, ҳаваскорлик фото ва кинокамералари, проекторлар 90 мамлакатга экспорт қилинади.

СУРАТДА: техника назорати бўлими ходими И. Вишня кинокамералар сирларини кўздан кечирмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИДА

Қора чаёнлардан олинган биринчи грамм заҳар Таллин химия-фармацевтика заводига юборилди. Бунинг учун Жиззах ўрмон хўжалигида яқинда очилган махсус лабораториянинг ходимлари 5000 та чаён заҳрини йиғдилар. Янги лабораторияда заҳар йиғишдан ташқари уни кристаллаш учун ҳамма шароитлар яратилган. Шундай қилганда заҳар таркибидаги ҳамма моддалар тўла сақланади.

Жиззах лабораториясида фан ва медицина учун катта аҳамиятга эга бўлган қора қурт, капча илон ва бошқа ҳашарот ҳамда судралувчиларнинг ҳам заҳри олинади.

(ЎзТАГ).

Испаниялик тарихчиларнинг хабар беришича, Перуда жойлашган курсисимон тоғда ҳарбийлар жуда катта одам ва ҳайвонларнинг тош шаклларини учратишган. Бундай хабарлар кейинги йиллар давомида ҳам ўктин-ўктин эшитилиб турди. Шулардан бирида ва қарийб афсонага айланган хабарга кўра, қудратли император бойлиги бажармаган баъзи бир қабилаларни у бутунлай тошга айлантириб қўйган эмиш.

Бу тошқотган «иншоотлар» билан 1952 йили Перу олимларидан Даниэль Русо қизиқиб, махсус экспедиция ташкил этди ва сир «Маркагуаси» платоси— тоғнинг сафарга чиқади. Паст тепаликлардан ташкил топган бу плато Ғарбий Кордильер тоғларининг 3800 метр баландлигида жойлашган. Унинг узунлиги уч километр, кенглиги бир километр. Унга фақат биргина сўқмоқ йўл орқали бориш мумкин. Бошқа томонлари эса ўтиб бўлмас баланд чўққилар ва чуқур жарликлар билан ўралган. Платода Русо яна кўпгина ҳайкалларни кашф этди.

Шуниси қизиқки, янги топилган тош шакллар куннинг айрим вақтларида қуёш ва ой нурининг тошларга тушиш бурчагига қараб эрталаб, тушда ва гира-шира вақтида, ҳатто кечаси ҳам кўринар экан. Улар, асосан бу баландликларда яшай олмайдиган тошбақа ва маймунларнинг ва Жанубий Америкага ислараларнинг тасвирлари эди.

Русо улар ичида европалик оқ тавлилар ва негрларнинг симосини ҳам кўрди. Улардан баъзи бири Пасха оролидаги скульптураларни эслатарди. Кўзлари бўлмаса ҳам куннинг маълум бир вақтида ёнидан кирган нур порлаб «тирик» кўздек чарақларди. Улар ичида Миср скульптураларига монандлари ҳам учраб турарди. Буларнинг ҳаммаси Русога «Жанубий Америка билан қадимий дунё оралигида алоқа бўлган» деган хулоса чиқаришга асос бўлди. Сўнг бу скульптуралар уч турга бўлинди: биринчилари, энг қадимийлари— Америка тарихида номаълум бўлган қабилаларга тегишли. Иккинчиларни, Инкларгача яшаган қабилаларга. Учинчилари, энг охиргилари эса IX — X асрларга ёки Инк даврига мансублиги билан белгиланди.

Сайёрамиз қандай яратилган?

Тошдаги топишмоқлар

панлар бостириб келгунларига қадар бўлмаган сигир, от, фил, шер ва туяларнинг шаклини эслатар эди.

Русо улар ичида европалик оқ тавлилар ва негрларнинг симосини ҳам кўрди. Улардан баъзи бири Пасха оролидаги скульптураларни эслатарди. Кўзлари бўлмаса ҳам куннинг маълум бир вақтида ёнидан кирган нур порлаб «тирик» кўздек чарақларди. Улар ичида Миср скульптураларига монандлари ҳам учраб турарди. Буларнинг ҳаммаси Русога «Жанубий Америка билан қадимий дунё оралигида алоқа бўлган» деган хулоса чиқаришга асос бўлди. Сўнг бу скульптуралар уч турга бўлинди: биринчилари, энг қадимийлари— Америка тарихида номаълум бўлган қабилаларга тегишли. Иккинчиларни, Инкларгача яшаган қабилаларга. Учинчилари, энг охиргилари эса IX — X асрларга ёки Инк даврига мансублиги билан белгиланди.

Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, бу шакллар минг йиллар давом этган табиатнинг ўзига хос «рассомлик» қалами — шамол, ёғин-сочин, қуёш таъсири ва бошқаларга мансуб ишдир. Русо тахминича, ҳақиқатан ҳам кейинги шакллар аввало табиат кучлари томонидан хомаки «чизилган» ва улар кейинчалик уста ҳунарманд — тошкесарлар томонидан ҳозирги шаклга айлантирилган.

Д. Русонинг аввалги фикрларига кўра, бу ҳашаматли тоштопишмоқлар фақат Перу мегалит маданиятига тааллуқлидир. Лекин бунга ўхшаш тошшакллар келгусида Мексика, Шимолий ва Жанубий Америкаларида ҳамда шарқий ярим шар—Тинч океан ороллари, Франция, Испанияда ва бошқа жойларда ҳам кашф этилди. Колумб даврига қадар ҳам Америка қитъаси билан «Эски дунё» ўртасида алоқа мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги Русо ғояси кейинги йиллар давомида кўпчилик олимлар ичида ҳам ўз тарафдорларини топди.

АҚШ (Нью-Мексика штати), Коста-Рика ва Мексикада янги топилган турли каттакичикликдаги тош шаклар сири ҳам юқоридаги тошқотган инсон ва ҳайвонлардан қолишмайди. Уларнинг айримлари теннис шаридан катта бўлмаса ҳам, лекин улар орасида уч метр диаметрга эга бўлган гигантлари ҳам учрайди. Бу тош шаклар асосан вулқонлик жинс — абсидиан ва гранитдан ясалган. Абсидиан шарларининг келиб чиқишини американлик олимлардан Р. Смит қуйидагича тушунтиради:

Ерга тушган вулқон иссиқ кулларининг совуши баравариа сувда муз ҳосил бўлгандек жараён юз беради. Ойнасимон зарралар бир-бири билан ёпишади ва жипслашади, Паскал қонунига биноан газ орасидаги босим ҳар томонга бир хил ва баравар тарқалади. Биноборин, жинслар жипслашган сари шар шаклига кириб боради. Катталашиб бораётган шарлар бирлашиб ўзига хос тоғ жинсини ҳосил қилади. Аммо водий тубида совиш нисбатан тез содир бўлганлиги учун шарлар бир-бири билан қўшилиша улгурмай, вулкан куллари орасида яккa-якка ҳолда қолиб кетадилар. Минг йиллар давомида ёғин-сочин сувлари ва шамол кулларни оқизади ва ўчиради. Натижада ер сатҳида шарлар тўплами ҳосил бўлади.

Сўнг Р. Смит томонидан бу шарларнинг абсолют ёши аниқланди. Маълум бўлишича, бу шарлар қайёрамизда ҳали инсонлар пайдо бўлмаган, бундан қарийб 25 миллион йил муқаддам (геологик—учламчи даврда) ҳосил бўлган экан.

Агар вулканик жинс — абсидиан шарларининг келиб чиқиши тушунтирилган бўлса ҳам, гранит-шарлар ҳанузга қадар тоштопишмоқлигича қолиб келмоқда. Шулардан бири Коста-Рикадаги гранит-шар ниҳоятда яхши силлиқланган. Бу ўз навбатида инсон қўлининг ижоди эканлигидан дарак бермоқда. Кишини ҳайратда қолдирадиган нарса шу ердаки, Коста-Рика олимлари бу шарларни вертолётдан кузатганларида қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар: шарлар катта учбурчак, тўртбурчак, айлана ва тўғри чизиқлардан ташкил топган бўлиб, шимол-жанубга нисбатан жуда ҳам аниқ қилиб ўрнатилган. Қандай қилиб бу ноёб-моҳир усталар кўпгина гранит ҳарсангларидан ўта аниқ шар формасини ясадилар? Бизга номаълум бўлган қандай мосламалар ёрдамида уларни жиддий геометрик тартиб билан ўрнатдилар. Нима учун ва қандай мақсад билан бу ишлар ижро этилди? Бу муаммолар ҳанузга қадар топишмоқ бўлиб қолмоқда.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минералогия фанлари доктори.

ПАЗАНДА ЖАВОБ БЕРАДИ

Шоколад нега қуртлайди?

М. МАҲАМАТОВА: Шоколадли конфетларга нега қурт тушади! Қуртламаслиги учун уни қандай сақлаш кераклиги тўғрисида маълумот берсангиз.

—Дарвоқе, шоколадли конфетлар узоқ сақланса қуртлайди. Бунинг сабаби ғаладонда илгари сақланган майиз, туршак ва бошқа мева қолдиқларидан қолган қурт личинкасининг мавжудлигидир. Шоколаддаги ифори ҳид жуда ўткир бўлганлигидан қуртларни ўзига чорлайди ёки қурт личинкаларини қумурсқалар ҳам ўз таналарида олиб келишлари мумкин.

Маълумки, қуртлаган шоколад одамга зарар қилиши, кўнгилни айнатиши, ёки баданга тошмалар тошдириб аллергия пайдо қилиши мумкин. Шу сабабли шоколадли конфетларни узоқ сақламасдан, керак бўлгандагина янгисини олиб истеъмол этган яхши. Айниқса тўйлар ва қайтариқ дастурхонига солиб бериладиган конфетлар анча эски бўлади, шулардан бир донеси янги конфетларга қўшилиб қолгудек бўлса ҳам уни қуртлатади.

Шарбат қандай олинади?

Ж. ҲАКИМОВ: Узум, олма ва бошқа шарбатларини қандай тайёрлаш ва сақлаш усуллари тўғрисида маълумот берсангиз.

—Мева ҳамда сабзавот шарватларини доим, айниқса қиш фаслида истеъмол қилиб туришнинг фойдаси катта. Бирок буни хона хўжалигида тайёрлаш анча мураккаб иш. Бунинг учун махсус центрофуга аппарати бўлиши зарур. Оддий соковижималка билан сиқиб олинганда тахминан 50 — 60 процент шарбат олинниб, меванинг қолган қисми чиқитга чиқади. Сўнгра шарбатни махсус автоплав аппаратида стерлизация қилинмаса узоқ сақлаб бўлмайди. Маълумки, бундай аппарат ҳам фақат консерва заводларида бор.

Шундай экан, мева ҳамда сабзавот шарбатларини хонадон шароитида овора бўлиб тайёрлаб ўтирмасдан, озиқ-овқат саноати ишлаб чиқарган хилларидан фойдаланган маъқул. Гастрономларда мевалардан: узум, олма, беҳи, нок, олхўри, олча, қулупнай; сабзавотлардан карам, сабзи, помидор, лавлаги шарбатлари ҳам доим ва керагича топилади.

Овқат ёғини камайтирса бўладими?

К. ЭГАМБЕРДИЕВА, Х. САИДҲАСАНОВ: Ёғли бўлиб кетган овқатни (масалан, паловни) қандай тузатса бўлади!

—Ўта ёғли таом сифатсиз ҳисобланади. Чунки рисоладан ортиқча ёғ зираворларнинг ҳидини ҳам, тузнинг таъмини ҳам қиқади. Таомнинг, айниқса, паловнинг ёғли бўлиб кетишига гўштдаги ёғнинг эриб кетишини ҳисобга олмаслик сабаб бўлади. Бундай ҳолларда уни тузатиш учун палов зирвагига арчилган картошка солиб дамлаш керак.

Картошка ёғнинг анча қисмини ўзига тортиб олади ва бузилган таом тузатилади. Шундай бўлса-да, ёғли таомни турп, бодринг, помидор каби янги сабзавотлар ва шуларнинг тузланган, сиркаланган хиллари билан ҳамда ошкўклар билан истеъмол этишни тавсия қиламиз. Чунки бу сабзавотлар таомнинг ёғликлик даражасини анча кирқади.

К. МАҲМУДОВ.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП



ГФР. Кельнда қўнғироқлар қуйиш билан бундан минг йил муқаддам шуғуллана бошлаган эдилар. Ҳозир шаҳарда 450 қўнғироқ бор. Улардан бири ҳозирги вақтда ишлаб турган жаҳондаги энг катта қўнғироқ ҳисобланади. Шаҳар аҳолиси «Семиз Петер» деб атовчи бу қўнғироқ машҳур Кельн ибодатхонасида ўрнатилган.

76 ёшли швейцариялик Альберт Кайзер 55.250 дона оддий гугурт чўпларидан машҳур Эйфель минорасининг икки метрли нусхасини ясаш учун бир йил вақтини кетказди.

Кейстон—ТАСС фотоси.

● *Маслаҳатларимиз*

ЭСИНГИЗДА БЎЛСИН...

● Ёғларни мис идишларда сақламанг, сифати бузилади.

● Олиб қўйилган фритюрни қайта ишлатадиган бўлсангиз, ёғдаги илгари қовурилган маҳсулотларнинг қолдиғини сузиб ташланг.

● Шиша ва металл идишларни ғижимланган қоғоз билан артсангиз тоза бўлади.

● Тозаланмаган пахта ва зиғир ёғини кўтариб олиб ишлатиш керак, чунки бундай ёғларда қуйқум бўлади.

● Пачоқ тухум оқиб кетмаслиги учун уни тузли сувда пиширш керак.

● Жигардан тайёрланадиган таомларни тузсиз пишириб, тайёр бўлгач туз сепилади, акс ҳолда жигар қаттиқ бўлиб қолади.

● Мурабболарни ишлатиб бўлгач, қолган қисмини яхши сақлаш учун шиша ва чинни идишларнинг оғзини ёғлиқ-шилдироқ (пергамент) қоғози билан маҳкам ёпиб қуруқ ва салқин жойда сақланг.

Дам олиш соатида

«МУТАХАССИС» КРОССВОРДИ

Азиз оқшомхон! Мазкур кроссворд етти ва саккиз ҳарфли мутахассисликлар номлари асосида тузилган.

1. Ер сатҳининг, бирор жойнинг планини олувчи мутахассис. 2. Маҳоратини куй оҳангига мос равишда ҳаракатлар билан намойиш этувчи санъаткор. 3. Коинотни ўрганувчи олим. 4. Усимликларни ўрганувчи мутахассис. 5. Қуридиш бунёдкори. 6. Узумзор ва меваворлар бунёдкори. 7. Вақт ўлчови бўлган асбоб механизмини ремонт қилувчи уста. 8. Яйлов баҳодири деб эъзозланадиган касб.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

26 ЯНВАРДАГИ «ШАҲАРЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ.

1. Киев. 2. Кито. 3. Сочи. 4. Инта. 5. Осло. 6. Бонн. 7. Рига. 8. Брно. 9. Лион. 10. Берн. 11. Агра. 12. Бари. 13. Боку. 14. Акча. 15. Корк. 16. Омск.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. БОЗОРОВ: Касаллик варақаси учун нафақа тайинланаётганда ишчининг рационализаторлик таклифи, социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун олган мукофот пуллари ҳисобга олинадими ёки ҳисобга олинмайдими?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра нафақа тайинланаётганда ишчининг ишдан ташқари пайтда ишлаганлиги, бошқа вазифани бажарганлиги, социалистик мусобақада ғолиб чиққанлиги учун олган ҳақлари умумий маошига қўшиб ҳисобланмайди. Шунингдек, нафақа тайинланаётганда ишчининг вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун олган нафақаси, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифи учун олган мукофот пуллари ҳам умумий иш ҳақига қўшиб ҳисобланмайди.

∴ ∴ ∴

С. ИСРОИЛОВ: Улуғ Ватан уруши қатнашчисиман. 1943 йилдаги жанглардан бирида яradор бўлиб, дала ҳарбий госпиталида даволанганман. Лекин госпиталдан яраланганлигим ва ҳарбий ишга яроқсизлигим ҳақида берилган ҳужжатларни йўқотиб қўйганман. Шу ҳужжатларни қайта тиклаш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Жавоб: Одатда урушда қатнашган жангчи ва офицерларнинг қайси жангда, қаерда жароҳатланганлиги, қайси госпиталда даволанганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳарбий билетга қайд қилиб борилади. Агар сизнинг ҳарбий билетингизда бундай белги бўлмаса ўзингиз яшаётган райондаги ҳарбий комиссариатнинг учинчи бўлимига мурожаат қилинг. Бўлимдаги масъул ходимлар ҳужжатларингизни қайта тиклаш учун нима қилишингиз лозимлиги ҳақида аниқ маслаҳат беришади.

∴ ∴ ∴

Т. Ғуломов: Олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таълим олаётган студентлар ёзги каникул даврида иш жойидан меҳнат отпускаси олиш ҳуқуқига эгами?

Жавоб: Меҳнат қонунлари Кодексида олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таълим олаётган студентларга иш жойларидан фақат ёзги каникул пайтида отпуска берилади деб кўрсатилмаган. Уларга меҳнат отпускаси корхона, касаба союз ташкилоти томонидан белгиланган график асосида берилади.

∴ ∴ ∴

А. УМАРОВ: Шаҳримизда мотоцикл пойгасида қатнашиш сирларини ўргатадиган секция ёки ташкилот борми? Бор бўлса унинг қаерда жойлашганлиги ва қабул шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Октябрь район ДОСААФ комитети қошидаги спорттехника клубида мотоцикл спорти секцияси ҳам мавжуд. Секцияга ўн олти ёшга тўлган ва ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмаганлар шу ерда ҳайдовчилик касбини ўрганиб, кейин мотоцикл секциясидаги машғулотларда қатнашишлари мумкин.

Спорт техника клуби Хизматчи кўчасидаги 96-уйда жойлашган. У ерга Хадра майдони орқали ўтилади.

Шунингдек, Собир Раҳимов, Чилонзор, Киров, Ленин, Ҳамза районлари ДОСААФ комитетлари қошидаги спорт техника клубларида ҳам мотоцикл секциялари мавжуд.

● *Дунё картаси олдида*

«МУЗЛИ ЮРАК»

Гўзал сайёрамизнинг чорак қисмини ташкил этган олтита йирик қуруқликлар ташқари яна уларга яқин ва узоқ жойлашган ороллар мавжуд. Агар уларнинг барчасини бир ерга тўпласа, митти қитъа ҳисобланган Австралиядан тўрт-беш баробар катта қуруқлик ҳосил бўлар эди.

Дунёдаги ороллар ичида энг йириги — Гренландиядир. У Шимолий қутб доирасида Шимолий Америка ва Европа оралиғида жойлашган. Унинг тузилиши худди одам юрагига ўхшаб кетади. Бунинг устига бу оролнинг асосий қисми муз билан қопланган. Шу хислатларига кўра, шимол ҳалқлари уни қутб ўлкасининг «музли юраги» деб аташади.

Гренландия ва унинг чор-атрофидаги оролларни бирга қўшиб ҳисоблаганда умумий майдони 2186 минг квадрат километрга тенг. Бу шунчалик катта территорияки, унга бизнинг Ўзбекистонга ўхшаш бешдан ошиқ ўлкани жойлаштирса бўлар эди. «Музли юрак»нинг узунлиги 2400 километрга, энг баланд нуқтаси 3157 метрга тенг.

Гренландия — музлар ўлкаси. Ундаги муз майдони Ер шаридаги музликларнинг 11,5 процентини ташкил этади. Гренландия музликларида 2,43 миллион куб километр сув йиғилган бўлиб, агар улар эритилса дунё океани сув сатҳи 7 метрга кўтарилган бўлар эди. Бу оролда энг йирик музликлар мавжуд бўлиб, улардан Гитермани ва Ридернинг узунлиги 200 километрга етади.

Бу ўлка музликлар билан қопланганидан чор-атрофга совуқлик тарқатади. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати бу ерда —24—32 даражани ташкил этади. Февраль ойининг ўртача ҳаво ҳарорати—47 даражани ва абсолют минимум—70 даражагача тушиб кетади. Ёзнинг энг иссиқ ойи ҳисобланган июль ойида эса, ҳаво ҳарорати—11 даражани ташкил этади. Бундан ташқари, Гренландия океан сувларида магрур сузиб юрувчи муз тоғлари— айсберглар пайдо бўладиган жой ҳамдир.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

Олимпиада саҳифасидан

АВЛОДЛАР ЭСТАФЕТАСИ

1932 йилда Лос-Анжелесда бўлган X Олимпиада ўйинларида финляндиялик спортчи Матти Ярвинен улоқтирган найза 72 метру 71 сантиметрлик белгига бориб тушди. Ярвиненнинг бу ғалабаси учун Хельсинкидаги Олимпиада стадионида ана шу масофага тенг баландликда минора ўрнатилди.

Аслини олганда Ярвиненлар оиласини спортчилар оиласи деб аташ мумкин. Оила бошлиғи Виль Ярвинен Финляндия спорти тарихида биринчи марта Олимпиада олтин медалини қўлга киритган эди. Бу воқеа 1906 йилда Афинада бўлган Олимпиада ўйинларида юз берди. Виль шу ерда дастлабки рекордни ўрнатди.

Кекса Виль бўш вақтларида фарзандларига юксак натижага қандай эришганлигини батафсил сўзлаб беришни яхши кўрарди. Унинг сўзлари худди эртак сингари болаларга маъқул бўларди. Аста-секин уларда ҳам спортга ихлос уйғона бошлади. Катта ўғли Ахилл кейинчалик найза улоқтирувчи бўлиб етишмаган бўлсада, у кўпкурашда Олимпиаданинг иккита кумуш медалини қўлга киритди.

Кичик ўғил Матти эса фақат отасининг анъанасини давом эттириши орзу қиларди. У ўн бир ёшда найза улоқтириш бўйича Олимпиада чемпиони бўлишга аҳд қилди ва бу ҳақда отасига ўз фикрини билдирди. Маҳорат сари бориш йўли осон бўлмади. У кўп йилга қадар айтарли юқори натижа кўрсата олмади. Лекин омадсизликлар ота ва ўғлни тушкунликка солмади. Улар келажакка умид билан қараштирдилар. Йирик мусобақаларда қатнашиш, тинмай машқ қилиш, маҳорат сирларини ўрганиш ниҳоят ўз самарасини берди. 1932 йилда Матти Олимпиада рекордини ўрнатди. Юқорида айтганимиздек, бу натижа 72 метру 71 сантиметрга тенг эди. Бу натижани ўзгартириш йигирма йил давомида ҳеч бир спортчига насиб этмади. Шу боисдан ҳам маҳоратли спортчига ҳурмат маъносида Хельсинкидаги Олимпиада стадионида машҳур спортчи шарафига баландлиги 72 метру 71 сантиметр бўлган минора бунёд этилди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

2 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/II да **Травната**, 3/II да **Этик кийган мушук** (12.00), **Дон Кихот** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Қиёмат қарз**, 3/II да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМ Й НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/II да **Тўйдан олдин томоша**, 3/II да **Чоллар ва кампирлар**, 4/II да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Отилмаган ўқ**, 3/II да **Тинмасин соз** (12.00), 4/II да **Биринчи бўса.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **янги программа. «УРГАТИЛГАН БУҒМА ИЛОН ВА ТИМСОҲЛАР»** аттракционининг гастроллари (13.00, 16.00, 19.30).

КИНО

3 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«НАЙРАМДАЛ — ДЎСТЛИК» — **Фестиваль.**

«ВОЛГА БУЙИ» — **Нунус.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА КЎЗ ЕШЛАРГА ИШОНМАНДИ» — **Чайка** (11.30, 13.30, 16, 18.30, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 77-06-20); **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 16, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 78-47-25), **Нунус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45, жавоб берувчи автомат телефон: 46-70-69), **Қозоғистон** (жавоб берувчи автомат телефон: 35-24-92); **Дружба** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20.30, жавоб берувчи автомат телефон: 66-15-75); **Восток** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00, жавоб берувчи автомат телефон: 91-14-61).

«ГАМЛЕТ» — **Искра**, (17.00, 20.00).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«АКАДЕМКНИГА»

ЎРТА ОСИЁ КОНТОРАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА

И. С. ТУРГЕНЕВ. **Танланган асарлар, II-том.**

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ. **Танланган асарлар, I-том.**

АБУ АЛИ ИБН СИНО. **Танланган асарлар, I-том, 3-китоби**

БЕРИЛМОҚДА

Абонемент кўрсатувчилар навбатдаги томларни китоб магазинга келиб тушгандан бошлаб 2 ой ичида олиш ҳуқуқига эга эканликларини эслатиб ўтамиз.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2, 3 февраль соат 19.00 да

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Муҳтабар ИУЛДОШЕВА.

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Султонмурод САМАНДАРОВ, Отамурод ҲОЖИЕВ, Нуржаҳон САТТОРОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муҳаббат КУБАНОВА, Ражаб ИСМОИЛОВ, Роза КАРИМОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҒУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.

БИЛЕТЛАР КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

„ХИМЧИСТКА": ТУРЛИ ХИЛ ХИЗМАТ

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИНИНГ 7-ФИЛИАЛИ ТОЗАЛАБ БЕРИШ УЧУН СИЗДАН ПАР ВА МОМИҚЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Пар-момиқ буюмлар буюртмачининг иштирокида тозалаб берилади. Сизнинг хоҳишингизга кўра қолдирилган ёстиқ ёки кўрпа 4 соат ичида тозалаб берилади (бу вақтда одатдаги тариф бўйича ҳақ тўланади).

Пар-момиқ буюмлар фақат жилди билан қабул қилинади. Агарда тозалаш учун топширилаётган вақтда Сиз жилдни янгисига алмаштирмоқчи бўлсангиз филиалдан алоҳида ҳақ тўлаб янгисини сотиб олишингиз мумкин.

ДИҚҚАТ!

Эсингизда бўлсин кийимларнинг гигиеник хоссаларини тиклашда химиявий тозалаш энг қулай услубдир. Кир кийим ҳавони ёмон ўтказади, иссиқни сақламайди, унга касаллик юқтирувчи микроблар илашган бўлади.

Тошкент «Химчистка» фабрикасида кийимлар чанг ва доғлардан тозаланади, антистатик ишлов берилади. Бу кийимни фақат сақлабгина қолмай, балки унинг хизмат муддатини ҳам узайтиради.

Кир кийимларни тозалатиш учун истаган қабул пунктларига топшириш мумкин.

Агар Сизга кийимингизни шошилинч тозалаш зарурати туғилиб қолса, тез тозалаб бериш филиалларига мурожаат этишни маслаҳат берамиз. Улар дам олиш кунисиз ва танафуссиз соат 8.00 дан 20.00 гача ишлайди.

МАНА УЛАРНИНГ АДРЕСЛАРИ:

1— Западная кўчаси, 1-уй («Химчистка» фабрикаси қошида).
2— Чилонзор массиви, 1-квартал, Пионерская кўчаси.
3— Студентлар шаҳарчаси, Маиший хизмат уйи.
4— 4-турар жой шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, 9-уй.
5— **«Ўзбекистон» маиший хизмат уйи,** Полторацкий кўчаси, 29-уй.

7-филиал—пар-момиқ буюмлар химчисткаси (ёстиқлар, пар ва бошқалар, шунингдек жилдларни янгиларига алмаштириш) — Энгельс кўчаси, 60«а»-уй.

Сизларни бу ерда намунали хизмат кутади.

Агарда Сизлар бизнинг хизматимиздан тез-тез фойдаланиб турсангиз, кўйлакларингиз, костюмларингиз, пальтоларингиз доим янгидек кўзга ташланиб туради.

Химиявий тозалаш учун кийимлар ва бош кийимлар, галстуклар, табиий гиламлар ва ҳажми 6 квадрат метрдан ошмаган гилам буюмлари, тўр пардалар ва 1 м. 17 см. — 2м. 50 см. ҳажмдаги дарпарда буюмлари, шерсть ва ярим шерсть одеяллар, жилдлар қабул қилинади. Духобадан тикилган буюмлар, кийимлар, газмоллар (синтетик буюмлардан ташқари)ни бўяб ҳам бериш мумкин.

Диққат! Кийимлар ва шимлар антистатик ишлов бериш учун фақат 2-филиалда қабул қилинади.

Ҳамма қабул пунктларида тозаланган буюмлар (шимлар, жакетлар, кўйлаклар)**ни жойлаштириш учун Сизларга полиэтилен пакетлар берилади.**

ФАБРИКАНИНГ КЎЧМА ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ! БЕЛГИЛАНГАН КУНЛАРДА КОРХОНАЛАР ВА ШАҲАРНИНГ ТУРАР ЖОЙ МАССИВЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТАДИ.

«ХИМЧИСТКА» ФАБРИКАСИ.

ГОССТРАХ

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ТОМОНИДАН 1940 ЙИЛ 4 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МАЖБУРИЙ ОКЛАДЛИ СТРАХОВАНИЕ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНИГА БИНОАН

1980 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН

хўжаликларда гражданларнинг мажбурий окладли страхование қилинишн керак бўлган мол-мулкларини ҳисобга олишга киришганликларини

БИЛДИРАДИ

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ МОЛ-МУЛКЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ:

қурилиш, йирик шохли қорамол (6 ойликдан бошлаб), 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган отлар, қўй, эчки, туя, эшак ва хачирлар (1 ёшдан бошлаб), чўчқалар (9 ойликдан бошлаб).

Мол-мулк мажбурий окладли страхованиеси тўловлари Госстрах инспекцияси томонидан белгиланади. Шундан сўнг страхование қилдирувчи кишиларга тўлаш зарур бўлган пул миқдори кўрсатилган гувоҳнома берилади. Страхование қилдирувчилар бу пулни Госстрах счётига ўтказишлари керак.

МАЖБУРИЙ ОКЛАДЛИ СТРАХОВАНИЕ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР ГРАЖДАНЛАР ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ТЎЛАНИШИ КЕРАК:

1 майгача тўловнинг 50 процента ва қолган 50 процента 1980 йилнинг 1 сентябригача.

Страхование тўловларини гражданлар СССР Давлат банки муассасаларига, турар жойларига яқин бўлган омонат кассаларига, давлат страхование инспекцияси инспекторлари ва тўлов агентларига тўлайдилар.

Белгиланган муддатда тўланмаган страхование тўловлари учун кечиктирилган ҳар бир кун ҳисобига 0,1 процент миқдорида устама ҳақ олинади.

ГРАЖДАНЛАР! Мажбурий окладли страхование бўйича тўловларни белгиланган муддатларда тўлангиз!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Главташкентстрой»

11-«ВИСОТСТРОЙ» ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

электр пайвандчилар, гипт терувчилар, дурадгорлар, бўёқчи-суводчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар, монтажчилар.

«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИ ноёб маданий-маиший биноларва кўп қаватли маъмурий биноларни қуриш бўйича умумий қурилиш ишларини бажаради.

Меҳнат ҳақи — ишбай ва ишбай-мукофотли. Елғизларга ётоқхона берилади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Уй сартарошхонаси учун

СИЗГА СОҚОЛ ОЛИШДА, ЧАККАДАН ЎСИБ ЧИҚҚАН СОЧНИ, МУЙЛОВНИ, СОҚОЛНИ РОСТЛАШДА, БУЙИНДАГИ СОЧНИ ОЛИШДА

МОСКВАДАГИ «МИКРОМАШ» ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

«МИКМА» ЭЛЕКТР УСТАРАСИ ЁРДАМ БЕРАДИ.

«Микма» электр устарасида комфортлиги оширилган бир қанча элементлар бор: жумладан, унинг тўри юпқа, устарасида эса қисқа муддатда тозалаб соқол олиш мумкин. Устарага ўрнатилган қирқиш блокида мўйловни, соқолни, чаккадан ўсиб чиққан сочни қирқиб тўғрилаш мумкин.

«Микма» ўзгарувчан токда ишлайди.

«Микма»дан фойдаланиш қулай, ташқи кўриниши эса ҳозирги замон эстетикаси талабларига жавоб бера олади.

«Микма»дан эҳтиёт қилиб, қондага биноан фойдаланилса, ўнлаб йилга чидайди.

Қўшимча тўри билан бирга баҳоси — 31 сўм.

СИЗНИНГ УЙ САРТАРОШХОНАНГИЗДАГИ АСБОБЛАР ЕНИГА СОЧ ОЛАДИГАН ЭЛЕКТР МАШИНКАНИ ҲАМ ҚУШИБ ҚЎЙИШНИ ТАВСИЯ ЭТАМИЗ. У ҲАМ МОСКВАДАГИ «МИКРОМАШ» ЗАВОДИДА ТАЙЕРЛАНМОҚДА.

Электр машинка билан муомала қилиш оддий ва қулай, вақтни тежайди. Товушсиз ишлайди. Давлат Сифат белгиси берилган.

Баҳоси — 35 сўм.

Ишлаб чиқарувчи завод бу асбобнинг магазиндан харид қилинган кундан бошлаб 18 ой давомида тинимсиз ишлашига кафолот беради.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«МИКМА» ЭЛЕКТР УСТАРАСИНИ ҲАМДА СОЧ ОЛАДИГАН МАШИНКАНИ ЦУМ, ГУМ, САВДО МАРКАЗЛАРИ, «ТАШПРОМТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО МУАССАСАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Микма» электр устараси ва соч оладиган машинка харид қилиш масаласи юзасидан «Узоптгалантерея» Республика улгуржи базасига мурожаат қилинг!

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ БАЗАСИ.

КИЙИМЛАРНИНГ ЯНГИ РАЗМЕР БЕЛГИЛАРИ

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

1980 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН КИЙИМЛАРНИНГ ЕРЛИҚЛАРИДА ЯНГИ РАЗМЕР БЕЛГИЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ.

Кийимларнинг ёрлиқларида (маркаларида) размер кўрсаткичлари кўкрак қафасининг ярим айланаси ва бўй номери: яъни 50-размер, узунлиги —3, деб белгиланмайди, балки кишининг бор бўйи, хотин-қизлар кийимида эса кўкрак қафасининг кенглиги, сонининг тўлалиги —158—100—108 ҳамда эркаклар кийимида бор бўйи, кўкрак қафасининг кенглиги, белининг йўғонлиги—170—100—88 деб белгиланади. 158, 170—кишининг пойафзалсиз бўйи неча сантиметр; 100 — кўкрак қафасининг кенглиги неча сантиметр; 108 — сонининг тўлалиги неча сантиметр; 88—белининг йўғонлиги неча сантиметр эканлигини кўрсатади.

Гавда шаклига мос кийим танлашда киши бўйи, кўкрак қафасининг кенглиги, хотин-қизларда сонининг тўлалиги ва эркакларда белнинг йўғонлигини тўғри аниқлаш керак.

Бўй полда турган пойафзалсиз киши бошининг юқори нуқтасигача ўлчанади.

Кўкрак қафаси кўкракнинг юқори нуқтасидан горизонтал ўлчанади.

Сонинг тўлалиги белдан 18—20 сантиметр ораликда қориннинг чиқиб туришини ҳисобга олган ҳолда горизонтал ўлчанади.

Белнинг йўғонлиги горизонтал ўлчанади.

Ёрлиқда размерлар белгиланган кетма-кетликда кўрсатилади: хотин-қизларда бўй, кўкрак қафасининг кенглиги, сонинг тўлалиги, эркакларда бўй, кўкрак қафасининг кенглиги, белнинг йўғонлиги.

Гавда шакли ўлчанганда ёрлиқда кўрсатилганидан қуйидагича фарқ қилиши мумкин: бўйда±3,0 см; кўкрак қафаси кенглигида±2,0 см.; сонинг тўлалигида±2,0 см.; белнинг йўғонлигида±2,0 см.

Масалан, бўйи 160 см., кўкрак қафасининг кенглиги 101 см., сонининг тўлалиги 109 см. бўлган хотин-қизларга товар ёрлиғининг «размер» сатрларида 158—100—108 рақамлар кўрсатилган кийимлар тўғри келади; бўйи 172 см. кўкрак қафасининг кенглиги 99 см., белининг йўғонлиги 86 см. бўлган эркакларга товар ёрлиғининг «размер» сатрларида 170—100—88 рақамлар кўрсатилган кийимлар тўғри келади.

Уст кўйлакларда товар ёрлиғининг «размер» сатрида қўшимча равишда бўйиннинг йўғонлиги кўрсатилган.

Масалан, размер белгиларида бўйи 170 ва 176 см. деб кўрсатилган гавдалар янги «размер» сатрларида 170, 176—100—88—41 рақамлар билан белгиланади (41 рақами бўйин йўғонлиги неча сантиметр эканлигини кўрсатади), бўй узунлигининг иккита рақами ана шу узунликдаги кўйлак бўйи 167 дан 179 см. гача бўлган эркакларга тўғри келишининг белгисидир.

ЯНГИДАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН РАЗМЕР БЕЛГИЛАРИНИ ҲОЗИРГИЛАРИ БИЛАН ТАҚҚОСЛАШ УЧУН ТАБЛИЦАЛАР ТАВСИЯ ҚИЛАМИЗ:



ЭРКАКЛАР УЧУН

Размер белгилари		Размер белгилари	
1980 йилгача бўлгани	Янги белгилар	1980 йилгача бўлгани	Янги белгилар
Размерлар—44	88	Рост — 1	158 (155-161)
46	92	2	164 (161-167)
48	96	3	170 (167-173)
50	100	4	176 (173-179)
52	104	5	182 (179-185)
54	108	6	188 (185-191)
56	112		
58	116		
60	120		
62	124		
64	128		

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

Размер белгилари		Размер белгилари	
1980 йилгача бўлгани	Янги белгилар	1980 йилгача бўлгани	Янги белгилар
Размерлар — 44	82	Рост — 1	146 (143-149)
46	92	2	152 (149-155)
48	96	3	158 (155-161)
50	100	4	164 (161-167)
52	104	5	170 (167-173)
54	108	6	176 (173-179)
56	112		
58	116		
60	120		
62	124		
64	128		
66	132		
68	136		

«УЗТОРГОДЕЖДА»

«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

2 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.35 Мультфильмлар программаси: «Ростик ва Кеша», «Кичкинтой Гиппопонинг саргузаштлари». 18.00 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. 18.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 19.25 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.05 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Аср боқида». Бадиий фильм. «Мосфильм». 1961 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 Социалистик мамлакатлар бал рақслари IV Халқаро конкурси қатнашчиларининг кўргазмали чиқишлари (Москва). 23.00 «Бош тренер». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Экран». 23.30 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу академик оркестрининг концерти. Дирижер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Некрасов. Кўрсатув тугагач (23.55)— Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Қалбим ардоғи». Концерт. 10.45 «Узбекистон Олимпия йилида». Спорт программаси. 11.15 «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун». (рус.). 11.45 «Театр ва замон». М. Уйғур номли Сурхондарё область музикали театрининг гастроллари олдидан. 12.45 М. В. Фрунзе туғилган куннинг 95 йиллигига. «Ўртоқ Арсений». Бадиий фильм (рус.). 14.10 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Ғаройиб саргузашт. Мультфильм. 18.40 Бадиий гимнастика бўйича Узбекистон ўқувчилари терма командаларининг чиқиши. 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Эстрада концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 Телевидение экранида биринчи марта «Жиноят». 2-фильм. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

3 ФЕВРАЛЬ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.40 «Зарядкага сафланиг!». 10.05 «Будильник». 10.35 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.35 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.20 «Тонги почта». Музикали программа. 12.50 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал. 13.05 «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 «Музикали киоск». 14.35 «Мангу даъват». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. «Мосфильм» Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан. 1974 йил. 15.40 «Хатларингиз асосида». Музикали программа. 16.25 «Ҳаётга йўлланма» туркумидан. «Биринчи шудгор» телевизион ҳужжатли фильм премьераси. (Минск). 17.10 Вьетнам Коммунистик партиясининг 50 йиллигига бағишланган программа. «Қураш авангардида». «Репортаж. «Тхонг Лонг» Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.10 «Ёзги гастроллар». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Экран». 1979 йил. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.05 «Музика ҳақида суҳбатни давом эттирамиз». 23.30 «Яхши урф-одатларимиз». Ҳужжатли фильм. 23.50 Янгиликлар.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Баёт» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 11.10 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Ҳужжатли киноленинома тарихидан» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Пётр Климов кўчаси» Телефильм. 13.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Мен овоз бераман». 13.50 «Ҳаёлпарастлар». Бадиий фильм. 15.00 Реклама.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Болалар учун фильм. «Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган». 18.45 Болалар учун. «Бойчечак». 19.15 «Вьетнам Коммунистик партияси ташкил топган куннинг 50 йиллигига». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Узбек цирки манежида». Янги цирк программаси. Трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.05 «Узбек цирки манежида». Янги цирк программаси давоми. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

Киргизистон телевиденнесининг программаси.

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 Экран—болаларга. 16.20 «Мен сизни учратдим». Телефильм. 16.50 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги олдидан. «Париж. Ленин проспекти». Хроникал-ҳужжатли фильм. 17.45 «Киргизтелефильм». кўрсатади. «Рақс менинг ҳаётим». Фильм-концерт. 18.20 «Новинки» киноклуби. 19.20 А. Сеамов. «Жаладан сўнг. Телепостановка (қирғиз тилида). 20.50 Э. Турсуналиев куйлайди. 21.30 Фрунзе кўрсатувларининг охири.